



ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА НИСБАТАН ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҲУҚУҚНИ ТИКЛОВЧИ ОДИЛ СУДЛОВ: ХАЛҚАРО ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Сапаев Хамрабек Рахимберганович

Ўзбекистон Республикаси Судьялар

олий кенгаши ҳузуридаги

Судьялар олий мактаби тингловчиси

Аннотация: Мазкур магистрлик диссертациясида вояга етмаганларга нисбатан жиноят ишлари бўйича ҳуқуқни тикловчи одил судловнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари, вояга етмаганларга нисбатан ҳуқуқни тикловчи одил судловнинг йўналишлари таҳлил этилган ҳамда миллий ва хорижий олимларнинг фикрларига муносабат билдирилган.

Бундан ташқари, вояга етмаганларга нисбатан жиноят ишлари бўйича ҳуқуқни тикловчи одил судловга доир нормаларни такомиллаштириш масалалари хорижий давлатлар тажрибаси асосида таҳлил этилган ҳамда бу борадаги айрим муаммоларни ҳал этиш юзасидан илмий асосланган таклиф ҳамда тавсиялар илгари сурилган.

Калит сўзлар: вояга етмаганлар, жиноят ишлари, одил судлов, ҳуқуқни тиклаш, халқаро ҳужжатлар, хориж тажрибаси, медиация.

Аннотация: В данной магистерской диссертации анализируются теоретико-правовые аспекты восстановительного правосудия по уголовным делам в отношении несовершеннолетних, направления восстановительного правосудия в отношении несовершеннолетних, а также рассматриваются мнения отечественных и зарубежных ученых по этому вопросу.



Кроме того, на основе опыта зарубежных стран проанализированы вопросы совершенствования норм восстановительного правосудия по уголовным делам в отношении несовершеннолетних, предложены научно обоснованные рекомендации по решению некоторых проблем в этой области.

Ключевые слова: несовершеннолетние, уголовные дела, правосудие, восстановление в правах, международные документы, зарубежный опыт, посредничество.

Аввало шуни айтиш керакки, Конституциямизнинг 77-моддасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида экани, ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга еттунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантириши, фарзандлар ота-оналарининг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги белгилаб қўйилган.

Вояга етмаганларга нисбатан жиноят ишлари бўйича ҳуқуқни тикловчи одил судлов механизмлари хорижий давлатлар жиноят-процессуал ҳуқуқида тобора кенгроқ қўлланилмоқда. Ушбу ҳолат ҳуқуқни тикловчи одил судловда жиноят содир этилиши оқибатида бузилган ижтимоий муносабатларни тиклаш, жабрланувчига етказилган зарарни тўла қоплаб бериш механизми орқали унинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлашга бирламчи эътибор қаратилиши билан изоҳланади.

Бугун ер юзида ҳар йили 1,3 миллиондан 1,5 миллионгача вояга етмаганлар озодликдан маҳрум этилмоқда (ушбу рақамларга полиция хибсхоналарида



сақланаётган қарийб 1 миллион вояга етмаганлар киритилмаган)¹ ва сон-саноксиз вояга етмаган шахслар айбланувчи, гумон қилинувчи сифатида жиноят ишлари бўйича иш юритув жараёнларига жалб этилмоқда. Холбуки, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенсиянинг 37-моддасида қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш охирги чора сифатида ва имкон қадар қисқа вақт давомида қўлланилиши белгиланган².

Бола ҳуқуқлари Қўмитаси томонидан берилган таърифга кўра одил судлов тизимидан чиқариш деганда вояга етмаган шахсни тегишли муҳокама босқичида, ундан олдин ёки муҳокама давомида иш юритиш тизимидан чиқариш бўйича чоралар тушунилади³.

Юқорида келтирилган асосларга кўра, Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилик нормаларида вояга етмаган шахс томонидан оғир жиноятлар содир этилганда ҳам ҳуқуқни тикловчи одил судлов механизмлари бўлган мажбурлов чоралари, ярашув институтини қўллаган ҳолда вояга етмаган шахсни жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш мумкинлиги белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳуқуқни тикловчи одил судлов механизмларидан самарали фойдаланувчи Англия давлати тажрибасини таҳлил этадиган бўлсак, Англия ҳуқуқни тикловчи одил судловда “огоҳлантириш” механизмидан ҳам фойдаланилади. Жиноий жавобгарликдан озод қилишни назарда тутувчи ушбу муқобил шаклни бошқа хорижий давлатлар амалиётида мавжуд эмас.

¹ UN Global Study on Children Deprived of Liberty / Distr.: General 11 July 2019 Seventy-fourth session Item 68 (a) of the preliminary list* Promotion and protection of the rights of children. Item.86 // <https://defenceforchildren.org>

² “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция. 20.11.1989 йилда Бош Ассамблеянинг 44/25-сон резолюцияси билан қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги 757-ХП-сонли “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиш ҳақида”ги Қарорига мувофиқ қўшилган. <https://lex.uz/docs/2595913>

³ Бола ҳуқуқлари Қўмитасининг Вояга етмаганларга нисбатан иш юритув тизимида бола ҳуқуқлари тўғрисидаги 2019 йилги 24-сон умумий тартибдаги тавсиялари. 8-банди. <https://lex.uz/docs/2595913>



Огоҳлантириш ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатга эга бўлмасдан, бу тоифа ишларда жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун жабрланувчига етказилган зарарни қоплаб бериш талаб этилмайди. Моҳиятан ушбу институт Ўзбекистон Республикаси ЖКда мавжуд кам аҳамиятли қилмишлар сифатида баҳоланиши мумкин. Зеро, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 36-моддасига кўра, гарчи Жиноят кодексида жиноят сифатида назарда тутилган қилмишнинг аломатлари мавжуд бўлса-да, ўзининг кам аҳамиятлилиги туфайли ижтимоий хавфли бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жиноят деб топилмайди. Яъни кам аҳамиятли қилмишлар қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолат ҳисобланади.

Ҳуқуқни тикловчи одил судловнинг механизмларидан бўлган медиация институтининг Англияда қўлланиш тартиби ва асосларини таҳлил этадиган бўлсак, Англияда вакиллик медиацияси амал қилади. Яъни жиноят содир этган шахс ва жабрланувчи ўртасида етказилган зарарни қоплаб бериш ва медиация келишувини тузиш учун зарур бўлган бошқа масалалар юзасидан келишувга эришишда ҳамда шу орқали низо томонларини яраштиришда иштирок этувчи мустақил ва бетараф медиатор бўлиши талаб этилади.

Англия давлатида суд муҳокамаси жараёнида жиноят содир этган шахс томонидан зарар қопланган тақдирда медиация шартномаси имзоланади ва бу гумон қилинувчига (айбланувчи, судланувчи) нисбатан жазо тайинлашда инобатга олинади⁴.

Бундан келиб чиқадики, Англияда медиация институти жиноий жавобгарлик ёки жазодан озод қилиш механизми сифатида, балки айбланувчи, судланувчига тайинланиши лозим жиноий жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланади.

Англияда қўлланилувчи медиациянинг иккинчи кўриниши - политсия

⁴ Головки Л. В. Альтернативы уголовному преследованию в современном праве. – СПб. : Юрид. Центр «Пресс», 2016. – С.322.



медиацияси жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин иш хужжатларини медиация хизматига беришни тақозо этади. Бунда медиатор ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахс ва қилмиш натижасида зарар кўрган шахс билан учрашиб, етказилган зарарни қоплаш, узр сўраш, ўз меҳнати билан етказилган зарарни қоплаш кабилар воситасида келишув тузишга ҳаракат қилади. Агар томонлар ўртасида медиация келишуви тузилса, томонлар ўз мажбуриятини бажарган ёки бажармаганлигидан қатъий назар политсия жиноий таъқибни амалга оширишдан воз кечиб, расмий огоҳлантириш билан чекланади⁵.

Медиацияни қўллашнинг бу шакли жабрланувчи учун муайян тахдид юзага келтиради. Яъни медиация келишуви имзоланиши, жиноят содир этган шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинишига сабаб бўлади. Жиноят содир этган шахс медиация келишуви бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятни бажармаган тақдирда, политсия унга нисбатан огоҳлантириш эълон қилиши мумкин.

Франция давлатида мавжуд ҳуқуқни тикловчи одил судлов шаклларига доир қонун нормалари таҳлили шуни кўрсатдики, Франция Жиноят-процессуал кодексида, вояга етмаганлар учун воситачилик (“репаратив”) алоҳида кўрсатилган. Бу ерда айниқса, давлат прокурорининг ташаббуси билан воситачилик тартибини ўтказиш билан боғлиқ тизим кенг қўлланилади. Унга мувофиқ прокурор ўз ваколати доирасида ишни воситачилик дастурига юбориш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли⁶.

Прокурор жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга шунингдек жабрланувчига етказилган зарарни қоплашни таклиф этади. Прокурор томонидан қўйилган шартлар унинг ёзма қарорида кўрсатилади. Жиноят содир этган шахс

⁵ Головки Л. В. Альтернативы уголовному преследованию в современном праве. – СПб.: Юрид. Центр «Пресс», 2016. – С.323.

⁶ Степанов В.В. Освобождение от уголовной ответственности в связи с примирением с потерпи // Российская юстиция. - 2018, №8. - С.52.



прокурор томонидан қўйилган шартларни қабул қилмаган ёки уларни бажармаган тақдирда прокурор жиноят ишини қўзғатишга ҳақли. Жиноят содир этган шахс прокурор томонидан қўйилган шартларни бажаришга рози бўлса, прокурор иш ҳужжатларини келишувни тасдиқлаш учун судга юборади. Иш ҳужжатларини кўриб чиққандан сўнг суд келишувни тасдиқлаш ёки уни тасдиқлашни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилади. Суднинг ушбу қарори якуний бўлиб, шикоят қилинмайди. Суд келишувни тасдиқлаган тақдирда, прокурор келишув ижро этилишини ташкил этиш билан шуғулланувчи ваколатли шахсни тайинлайди ва жиноят содир этиган шахс томонидан прокурор қарорида кўрсатилган шартлар бажарилишини назорат қилади. Келишув шартларининг тўла бажарилиши ушбу шахсга нисбатан жиноят иши тугатилишига сабаб бўлади, шартларнинг бажарилмаганлиги эса умумий асосларда жиноят иши қўзғатилишига асос бўлади.

Германия қонунчилигига кўра ҳуқуқни тикловчи одил судловнинг кенг қўлланиладиган шаклларида бўлган ярашув институтининг ўзига хослиги шундаки, ярашувни қўллаш учун жабрланувчининг розилиги мажбурий элемент сифатида кўзда тутилмаган⁷. Нисбатан кейинроқ киритилган ушбу қоида жабрланувчи билан ярашув ҳамда етказилган зарарни қопланиши давлатнинг жиноят-ҳуқуқий таъсир чораси сифатида тушунилишини кўзда тутди ҳамда уни қўллаш фақатгина жабрланувчи иродаси билан боғлаб қўйилмайди⁸. Бироқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи жабрланувчи манфаатларини ҳам хизмат юзасидан текширишлари ва у асосли бўлса, зарур ҳажмда зарар қопланишини таъминлашлари лозим.

Германия Федератив Республикаси жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги жабрланувчи билан ярашувни жиноят процессининг қайси боскичида амалга

⁷ Юрков В.В. Институт примирения с потерпевшим в системах обращения с несовершеннолетними правонарушителями в России, Австрии и Германии // Криминологический журнал ОГУЭП. 2009. №1(7). - С.

⁸ Сахаддинов С.М. Ярашув институти: илмий-назарий, жиноят-ҳуқуқий ва процессуал асослари. Монография. Тошкент 2013.



оширилишига қараб ҳуқуқий оқибатлари турлича бўлишини кўзда тутди. Прокуратура ва суд жиноят процессининг ҳар бир боскичида жабрланувчи билан ярашувни қўллаш имкониятини текшириб кўришлари, зарур ҳолларда эса, башарти бу жабрланувчининг яққол ифодаланган иродасига қарши бўлмаса, ярашувга эришиш мақсадида процесс иштирокчиларига таъсир қилишлари лозим⁹.

Бироқ, Республикамизда мавжуд амалиётда айрим ҳолларда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси доирасига тушувчи ишлар бўйича, жиноят содир этган шахс ва жабрланувчига иш бўйича ярашув институти қўлланиши мумкинлигини тушунтирмайди. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддасини қуйидаги таҳрирдаги 4-қисм билан тўлдириш таклиф этилади: “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича, томонларга ярашув ҳуқуқи тушунтирилгандан сўнг, ярашув қўлланилишига эътироз билдирилса, ушбу томон яраштириш институтининг моҳияти тушунтирилганлиги ва ярашув қўлланилишига рози эмаслиги хусусида ёзма баёнот бериши лозим бўлади. Ушбу баёнот тергов органи ва суд томонидан жиноят иши ҳужжатларига қўшиб қўйилади.”

Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликда вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини янада такомиллаштириш борасида ўз ечимини кутиб турган бир қатор долзарб масалалар ҳам борлигини қайд этиш жоиз. Хусусан, вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчиларнинг ҳуқуқларига оид қуйидаги масалаларни ижобий ҳал қилиш бўйича қуйидаги амалга ошириш лозим, яъни:

- вояга етмаган шахсга нисбатан жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун тайинланадиган жазонинг муддати ёки

⁹ Арупонян А.А. Международные стандарты медиации в уголовном судопроизводстве // Закон. - Москва, 2011. - №9



миқдори Жиноят кодексининг Махсус қисми тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг учдан икки қисмидан ошмаслигини белгилаш;

- жавобгарликка тортиш ёки жазони ижро этиш муддатларининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш, судланганлик ҳолатининг тугалланиши каби масалаларда вояга етмаган шахсларга нисбатан алоҳида қисқартирилган муддатларни белгилаш;
- вояга етмаган шахсларга нисбатан умумий тартибдаги ушлаб туриш, қамокқа олиш ва уй қамоғи чоралари татбиқ этилмоқда. Аммо вояга етмаган шахслар алоҳида ёш, руҳий ва ижтимоий ҳолатга эга бўлган тоифа эканлиги боис вояга етмаган шахсни ушлаб туриш, унга нисбатан қамокқа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, сақлаб туриш муддати ва уни узайтириш борасида алоҳида қисқартирилган муддатларни жорий этиш;
- вояга етмаган шахсни сўроқ қилиш умумий тартибда жиноят процессининг бошқа иштирокчиларига ўхшаш — бир кунда 6 соатгача (белгиланган танаффуслардан ташқари). Аммо болаларнинг руҳий ва физиологик ҳолатини ҳисобга олганда, бу вақт узоқ ва самарасиз ҳисобланади. Шу боис вояга етмаган гумон қилинувчини, айбланувчини сўроқ қилишнинг умумий давомийлигини кун давомида олти соатдан тўрт соатга қадар қисқартириш мақсадга мувофиқ бўларди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017.
2. Мирзиёев.Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул



- килинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2017 йил, 8 декабрь. № 247 (6941-сон).
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. / Ш. М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2017. -592 б.
 4. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48.
 5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқи, 2023 йил 19 сентябрь.
 6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.:Ўзбекистон, 2025, - 70 б.
 7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси.-Т.: Адолат, 2024.
 8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги 21-сонли “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори. <https://www.lex.uz>
 9. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Ярашув тўғрисида ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 2002 йил 25 октябрдаги 27-сонли Қарори//Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами 1991-2006. Т.2. –Тошкент, 2007. -126-130 б.
 10. Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 18.05.2022 й., 03/22/770/0424-сон; 15.03.2023 й., 03/23/823/0150-сон. <https://lex.uz/ru/docs/1297315>
 11. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 26.01.2022 й., 03/22/747/0064-сон; 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон. <https://lex.uz/docs/1685726>



12. “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенсия. 20.11.1989 йилда Бош Ассамблеянинг 44/25-сон резолюсияси билан қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенсияга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги 757-ХП-сонли “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенсияга қўшилиш ҳақида”ги Қарорига мувофиқ қўшилган. <https://www.lex.uz>
13. БМТнинг Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари Бош Ассамблеянинг 29.11.1985 йилги 40/33-сон резолюсияси билан қабул қилинган. <https://www.un.org/>
14. <http://www.gov.uz>
15. <http://www.lex.uz>
16. [http:// www.legislation.kz.com](http://www.legislation.kz.com)